Qishloq hayoti
2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
Қишлоқ ҳаёти
ISSN 2010-7021
O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz
2009 YIL 21 AVGUST, JUMA, 99 (7560) - son
1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Узоқни кўзлаган йўловчи борар манзилигача етадиган захира, куч-қувват тўплайди. Пойдевори мустаҳкам бинонинг умри узун бўлади. Бизнинг пировард мақсадимиз озод ва обод Ватанда фаровон яшашдир.



"Газамир-Про" шўъба корхонаси газ ёнилғисидан фойдаланишда қўлланиладиган ускуна ва жиҳозларнинг энг замонавийлари ҳамда такомиллашганларини ҳаётга татбиқ этишда устувор йўналишни танлаганлигини таъкидлаш зарур. Бу корхона мутахассислари Италиянинг "DGIN TRONIC" компанияси ускуналари, компьютер тизими ва бошқа жиҳозларидан фойдаланмоқда.



Пойтахтимизнинг "Dedeman Tashkent" меҳмонхонасида Kids Land – "Болалик ҳудуди" деб номланган бўлғуси оналар, болалар ҳамда ўсмирлар учун буюмлар ва хизматлар 2-халқаро ихтисослашган кўргазмаси очилди.

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

# МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН – ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## Тошкент шаҳрини «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 20 август*

*"Шарқ тароналари – 2009"*

"Шарқ тароналари" еттинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчиларининг Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғларида, шунингдек, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой, Тойлоқ, Ургут ва Самарқанд туманларида концерт дастурларини намойиш этиши кўзда тутилган.

## БАЙРАМ ШУКУҲИ

Айни кунларда ушбу масканларда мусиқа анжуманига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Самарқанд шаҳри Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи, "Ёшлик", "Сўғдиёна" истироҳат боғларидаги саҳналарни фестиваль руҳига мос тарзда безаш, теварак-атрофни ободонлаштириш, замонавий ёритиш чироқлари ўрнатиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

– Самарқанд шаҳридаги энг катта ва кўркам саҳналардан бири – 3500 ўринли "Мўъжиза" амфитеатрида фестиваль қатнашчилари концерти, Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган байрам тантаналари ўтказилади, — дейди Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи директори Фарҳод Жалилов. – Шу боис бу ердаги таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга қадар саҳна ва унинг атрофи қайтадан таъмирланди, майдон ўртасидаги ҳовуз ва фавворaларнинг сув алмаштириш тизимлари янгиланди. Боғ ҳудудидаги дарахтларга шакл бериш, гул кўчатлари ўтказиш, атрофни саранжом-саришталаш ишлари давом этаётир. Саҳналарни безатиш ва декорация ишларини Самарқанд қўғирчоқ театри мутахассислари олиб бормоқда.

Байрам арафасида "Ёшлик" боғидаги саҳна ҳам таъмирланиб, 400 томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар янгиланди. "Сўғдиёна" истироҳат боғида замонавий ёритгичлар ўрнатилди.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали арафасида Самарқанд янада чирой очиб, бетакрор кўрку таровaт касб этаётир.

**F.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Самарқанд вилояти*

## АВИАХИЗМАТ ЯХШИЛАНМОҚДА



"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига қарашли Нукус аэропортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш турлари ва сифатини оширишга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.

Нукус аэропорти жорий йилнинг биринчи ярмида 32 минг 200 дан зиёд йўловчига хизмат кўрсатди. Бу ерда электрон чипталарнинг жорий қилингани йўловчиларга қатор қулайликлар яратмоқда.

Айни пайтда Нукус аэропортида об-ҳавони ўрганиб, кузатиш мақсадига хизмат қилувчи компьютерлаштирилган метеожиҳозларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, учиш-қўниш майдонларини кенгайтириш, чанг ва қордан тозалашда янги технологиялар қўллаш тадбирлари амалга оширилаётир.

СУРАТДА: *Нукус аэропорти хизматчиси Дилфуза Розимова.*

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

## АҲИЛга ичимлик суви

"ЭКОСАН" халқаро фонди Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб "Қишлоқда турмуш маданияти: ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари" мақсадли Дастури доирасида қишлоқлардаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидаги "Куна-Тўрткўл" қишлоқ фуқаролар йиғини "Истиқлол" аҳоли пунктида, Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Аҳил посёлкасида, Навоий вилоятининг Нурота шаҳридаги Мустақиллик массивида, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Жар маҳалласида, Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Мустақиллик массивида сув қувурларини ётқизиш лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Шулардан Истиқлол аҳоли пункти ва Аҳил посёлкасидаги лойиҳалар якунланди. Аҳил посёлкасидаги лойиҳага кўра сув скважинаси қазилди, электронасос ўрнатилди ва 800 метр узунликда магистрал ҳамда хўжаликлараро сув қувурлари тортилди. Пировардида, 670 та хонадонда истиқомат қилувчи 3160 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди, уларнинг яшаш шароитларини янада яхшиланишига ҳисса қўшилди.

Яқинда "ЭКОСАН" халқаро фонди, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди (ФОПСИ) ва Туркиянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ТИКА) ҳамкорлигида амалга оширилган ушбу лойиҳа объектини топшириш маросими бўлиб ўтди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ**

## Август – пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

## Парваришни маромига етказайлик

Фермер хўжалигимизнинг экин майдонлари Пилол қишлоғининг этак қисмида жойлашган. Қишлоқ тепасидан эса Катта Шимолий Фарғона канали оқиб ўтади. Бундай олиб қараганда, деҳқончилик қилиш учун қулай жой ҳисобланади. Бироқ деҳқончиликнинг ўзига яраша қийинчилик ва мураккаб томонлари бор.

Фермер хўжалигимизнинг умумий ер майдони 56,3 гектарни ташкил этади. Шундан жорий йил пахта ҳосили учун 31,3 гектарига "АН-36" навини экдик. Ҳосилдорлик гектар бошига 37 центнердан, ялпи хирмонни эса 115,8 тонна деб белгиладик.

Бу йилги баҳорнинг кутилмаганда серёғин келиши, айниқса, ёз ойларининг салқин бўлгани ғўза парваришидаги юмушларни бирмунча мураккаблаштириб юборди. Фермер хўжалигимизнинг бошлиғи Абдумажид Рустамов тажрибали деҳқонларнинг фикр-мулоҳазаларига амал қилиб, ғўза қатор ораларига техника ёрдамида тез-тез ишлов беришга зўр берди. Ғўза ниҳолларини ўз вақтида минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириб, енгил-енгил суғоришни йўлга қўйдик.

Айни кунларда Жумавой Деҳқонов, Камолиддин Эргашев, Мансурали Маллаев ва бошқалар ғўза қатор ораларига тунда сув тараб, ҳосилга ҳосил қўшишмоқда. Одина Деҳқонова, Мадина Идиева, Ижобат Тошхўжаева, Сайёра Ботирова каби фермер хўжалиги аъзолари эса ғўза қатор ораларида бегона ўт бўлмаслиги учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Иш юритувчимиз Шерзод Рустамовнинг ҳаракатчанлиги алоҳида таҳсинга лойиқ. Унинг елиб-югуришлари натижасида ғўза ниҳоллари ҳар хил зараркунанда касалликка чалинмайди.

Ҳақиқий, чин юракдан ишлаган деҳқоннинг даласида мўл-кўл пахта ҳосили учун мустаҳкам замин яратилган. Чунки тажрибадан маълум-да, бу йилгидек табиий шароитида гуллаган ғўза ниҳолларидаги ғунча, албатта, кўсакка айланиши муқаррар. Шундай экан, бугуннинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, ҳосилга ҳосил қўшайлик.

**Абдумутал ЭРГАШЕВ,**
**Поп туманидаги "Рустамхон бува ўғли Йўлчихон" фермер хўжалиги механизатори.**

*Наманган вилояти*

## ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК – БЕБАҲО БАХТ

### унинг қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиздир

Айни кунларда юртимизда, юртдошларимиз кайфиятида байрамона руҳ ҳукмрон. Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги тантаналари яқинлашган сайин қалбимизда сўз билан ифодалаш қийин бўлган ажиб ҳис-туйғулар жўш урмоқда. Бу кунларнинг шукуҳи шу қадар улуғвор, шу қадар файзли, таровaтли. Асрга татигулик кунлар шукуҳини шоир ашъор, ёзувчи асар сифатида қоғозга тўкишга, бастакору машшоқ дилрабо куй, ҳофиз тарона сифатида тақдим этишга, ишчи меҳнатдаги ютуқлари, фермер юксак ҳосил хирмони орқали кўрсатишга иштиёқманд.

18 йил. Тарих силсиласида бу унчалик катта муддат эмас. Шу давр мобайнида Юртбошимиз бошчилигида, ҳамфикрликда, ҳамжиҳатликда юртимизда амалга оширилган ишлар эса салмоқли. Барча соҳаларда ўтказилган ислоҳотларни, улкан ўзгаришларни ёзишга, эътироф этишга баъзан қалам ожиз. Аслида Ватанимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни эътироф этишдан кўра, бу жараённинг халқимиз тақдиридаги аҳамиятини қалбан ҳис қилишимиз, унга ўз ҳиссамизни қўшишга интилишимиз муҳимроқдир. "Қаранг-а, қандай ҳур замонда тўкин ва фаровон яшаяпмиз", деган шукроналикнинг ўзи фарзандлари келажагига, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошимиз учун камлик қилади, албатта. Келажакка умид кўзи билан боқувчи инсон борки, бугун ҳаракатда, изланишда. Яъни ҳар ким ўз меҳнати, илму ижоди, касбу кори, борингки, ҳеч қурса бир оғиз ҳаққоний сўзи билан бўлса-да, юртимиз равнақи, унинг биздан кейинги ворислари бўлмиш зурриёдларимиз келажаги учун жон койитмоғи, демакки, улуш қўшмоғи зарур.

Истиқлол берган неъматлар орасида энг қадрлиси эркинлик, ҳур фикрлилик экани, шубҳасиз. Зеро, эркинлик, ҳур фикр бўғилган жойда тараққиёт ҳам бўлмайди. Бугун биз айнан Истиқлол туфайлигина эркин фикрлаш, билим олиш, ижод қилиш, яшаш ва ишлашга тўла-тўкис ҳақлимиз. Тинч, мусаффо осмон остида яшаб, меҳнат қилиб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшишни дилига туккан ҳар бир инсонга йўл очиқ, унинг ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда. Ўзи ҳам бойиб, халқини ҳам бойитаётган юртдошларимиз сони кундан кун ортиб бораётир. Энг муҳими, юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон.

*Огоҳлик – ҳаёт талаби*

Тинчлик, осойишталик – ҳар қандай мамлакатнинг тараққий этиши учун зарур бўлган энг муҳим шартлардан. Муваффақиятларимиз, хотиржам ва фаровон ҳаётимиз замирида ҳам тинчлик, осойишталик ётибди. Хонадонларимизда янграётган карнай-сурнай садолари, чақалоқ йиғиси, болалар кулгиси, ота-оналар дуоси тинчлик шарофатидан. Барча эзгуликлар дояси бўлмиш тинчлик мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат ва ана шу сиёсатга ишониб, Юртбошимиз атрофида жипслашган, юртни тараққий эттиришдек улуғ бир мақсад йўлида уюшган халқимизнинг ҳамжиҳатлиги самарасидир. Бу эса ўз-ўзидан келмаган. Буни асраш, ардоқлаш эса бизнинг бурчимиз.



Буюк келажак сари интилаётган халқ олдида бир ҳовуч қўрқоқ, ношуд, нодон кимсаларнинг тўсиқ бўлиш мақсадлари ҳам бор гап. Лекин бизнинг озодлигимиз, ўз ҳаётимиз тинчлиги учун бепарво эмаслигимиз бунга қарши энг ишончли воситадир. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис қилишимиз шарт.

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА**

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: Қарор ва ижро

# ҲАЁТБАХШ ҲУЖЖАТЛАР ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРМОҚДА

## ОБОД МАСКАНЛАР ЖАМОЛИ

**Мустақиллик йилларида кишилардаги келажакка ишонч, Ватанга меҳр, бунёдкорлик туйғуси, қолаверса, яратилаётган шароит боис қишлоқларимиз жамоли тобора кўркамлашиб бораётир. Жорий йилда қишлоқларимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари янада кенгайиб, кенг кўлам касб этмоқда. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури, Президентимизнинг қатор қарорлари амалга оширилаётган ишларда дастуриламал вазифасини ўтаётир.**



Президентимизнинг шу йилнинг 3 августидаги **“Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори соҳада олиб борилаётган ишларнинг узвий давоми учун муҳим ҳужжат бўлди. Маълумки, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида қишлоқ жойларда умумий майдони 7100 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 2009-2015 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади. Шу маънода мазкур ҳужжат йил дастурида ва истиқболда амалга ошириладиган ишларнинг муҳим асосини белгилаб беради.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, уй-жой қурилиш ва уларнинг молиявий манбалари аниқланиб олинди. Республиканинг ҳар бир минтақасида филиалига эга “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Унинг вазифаси этиб, тегишли ташкилотлар билан уй-жой бозори маркетингини ўрганиш, қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлаш, қурилиш ишларини олиб бориш белгиланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 30 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан “Ғаллабанк” акциядорлик тижорат банки негизида “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Истиқболда қишлоқ жойларда амалга ошириладиган кенг кўламли ишларни молиялаштириш, хизмат кўрсатиш ушбу молия муассасаси зиммасига юклатилди. Демакки, қишлоқ жойларда иншоотлар қуриш учун комплекс вужудга келтирилди.

Айни пайтда “Қишлоқ қурилиш инвест” компаниясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Энг муҳими мазкур компания 2014 йилгача барча турдаги солиқ тўловларидан озод қилинган. Бу эса бунёдкорлик ишларининг қўллаб-қувватланаётганлигининг ёрқин исботидир.

Узоқни кўзлаган йўловчи борар манзилигача етадиган захира, куч-қувват тўплайди. Пойдевори мустаҳкам бинонинг умри узун бўлади. Бизнинг пировард мақсадимиз озод ва обод Ватанда фаровон яшашдир. Унинг илдизи эса қишлоқдан бошланади. Бугун қишлоқларимизга қаратилаётган эътибор келажагимизнинг янада ёрқин бўлишига заминдир.

Уй-жойларни замонавий талаблар асосида барпо этиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтириш, инфратузилмани ривожлантириш “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг устувор йўналишларидандир. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 29 январда қабул қилинган **“Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори ана шу вазифани ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлаётир.

## КЎРКАМ УЙЛАР — ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

Ушбу қарорга асосан қурилиш ишлари бош режа асосида ташкил этилаётгани, шаҳар ва туманларда тузилаётган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари юртимизда хонадонлари обод, уй-жойлари кўркам, файзли қишлоқлар кўпайишига хизмат қилмоқда. Бу ишларнинг юксак самараларини Сурхондарё вилояти Денов тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари хизматингизга тайёр**

Туманда уй-жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширувчи 11 ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ташкил этилди. “Сурхон-Денов-қурилиш”, “Ҳалима-Ҳилола”, “Сунбула-Наво”, “Денов-Янги тараққиёт” каби корхоналар шулар жумласидандир. Улар замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида аҳоли буюртмаси бўйича бир-бирини такрорламайдиган, ўзига хос кўринишга, барча қулайликларга эга шинам уйлар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, безаш, кўча ва майдонларни ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади.

— Юртимизнинг ҳар бир гўшаси, ҳатто энг олис ва чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий, қулай ва кўркам турар-жойлар, мактаб ва коллежлар кўзни қувонтиради, — дейди Денов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Хурсанд Холиқов. — Туманимизда ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш ва улар учун зарур имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Янги пудрат ташкилотларига ер майдонлари ва бинолар имтиёзли шартлар асосида узоқ муддатли ижарага берилмоқда. Президентимиз қарори талабларидан келиб чиқиб, тумандаги бўш турган ва таъмирланиши лозим бўлган барча бинолар хатловдан ўтказилди. 1991 йилдан кейин қурилган, таъмирга муҳтож кўп қаватли уй-жойлар белгиланган тартибда уларга топширилди. Янги қурилиш ташкилотлари техника ва зарур воситалар билан таъминланди. Ҳозирга қадар улар томонидан 361,1 миллион сўмлик иш бажарилди. Энг муҳими, ушбу қурилиш ташкилотлари аҳолини иш билан таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Янги ташкил этилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари имтиёзли нархларда хизмат кўрсатаётгани аҳолига катта қулайлик яратмоқда. Шу боис аҳоли томонидан тушаётган буюртмалар сони ортиб бораётир.

— Уйимизнинг ташқи томонини таъмирлашда яқинда ташкил этилган “Яшин Абдуолим” хусусий корхонаси ёрдам берди, — дейди Ҳайрабод қишлоғида яшовчи Дилмурод Ўринов. — Корхона қурувчилари нисбатан арзон ва сифатли хизмат кўрсатди. Ҳозир ҳовлимизда ошхона ва ҳаммом қуриш ишларини олиб бормоқда. Уларнинг хизматидан мамнунмиз.

Президентимиз қарорида ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бир қатор тўловлардан 2014 йилгача озод қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Солиқнинг барча турлари ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилгани корхонамиз фаолиятини ривожлантириб, айланма маблағларимизни кўпайтиришимизда қўл келади, — дейди “Денов қурилиш-махсусинвест” уй-жой қуриш хусусий корхонаси раҳбари Тиловмурод Жўраев. — Имтиёзлар натижасида ихтиёримизда қоладиган қўшимча маблағни корхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурилиш техникаси сотиб олиш, янги иш ўринлари ташкил этишга сарфлаймиз. Шу кунгача тумандаги икки мактабни таъмирладик. Ҳозир кўп қаватли уйни капитал таъмирлашни давом эттирмоқдамиз.

Ушбу корхоналарнинг фаолиятини мунтазам йўлга қўйишда уларни қурилиш материаллари билан таъминлаш масаласи муҳим ўрин тутади. Туманда қурилиш материаллари сотишга ихтисослаштирилган бир нечта фирма дўконлари ташкил этилгани бу масалани ҳал этиш имконини берди.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз, уй-жойларимиз замонавийликда, шинам ва кўркамликда ўзаро рақобатлашаётир. Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Бу Президентимиз раҳнамолигида халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган обод масканлар, замонавий ва кўркам қишлоқлар бунёд этиш йўлидаги эзгу ишларнинг амалдаги самараларидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Мамлакатимиз шаҳарлари ва аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, архитектуравий режалаштирган ҳолда қуришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобига уй-жой фондининг ҳолатини қатъиян яхшилаш, уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишларини янада кенгайтиришни рағбатлантириш зарурати пайдо бўлганди.**

## НАМУНА ОЛСА АРЗИЙДИ

Шу мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш учун бошқа ташкилотлар қаторида “Ихтисослашган универсал қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Жамият қурувчилари Андижон туманидаги Оқёр қишлоғида намунавий маҳалла қурилишида учта уй барпо этишмоқда. Жамиятда оҳак, алебастр, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Асака тумани Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тўғридан-тўғри киритилган Хитой инвестицияси ҳисобига “Донгшенг лян” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Хитойликлар бу эзгу мақсад учун 65 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишди. Шу тариқа Хитой технологияси асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонаси вужудга келди. Корхона йилига 8 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга. Йил бошидан буён 50 нафар киши иш билан таъминланди. Мавсумда эса яна қўшимча ишчи кучлари жалб этилган. Мурувватли инсонларнинг элюрт олдидаги қадри баланд бўлиб бораверади. Қаҳрамон Отахонов етакчилик қилаётган корхона кам таъминланган оилаларга 40 мингтадан ортиқ пишиқ ғиштни бепул берди. Ундан ташқари ободончилик ишларига ҳам миллионлаб сўм маблағ ажратди.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Андижон вилояти*

## ЎЗИМИЗНИНГ ИНШООТГА МАҲСУЛОТ

**Жиззах “Кўҳинур” хусусий фирмаси қошидаги шифер ишлаб чиқариш корхонаси ҳовлисига кираверишда Юртбошимизнинг мана бу гаплари йирик ҳарфларда ёзиб қўйилган: “Ҳашаматли, кўркам ва кўпга чидамли уйлар қурилсин. Уларда ҳозирги ва келгуси авлодларимиз бой-бадавлат яшашсин”.**

Корхона раҳбари Холисхон Бобоева ҳар куни эрталаб ишга келаркан, бу ёзувни яна бир бор ўқийди. “Аслида-ку, ёд бўлиб кетган, лекин шундай бўлса-да... Юрагимдаги масъулият ҳиссини янада кучайтириш учун қайта-қайта ўқийвераман, – дейди у. – Ўқиб ўтаман-да, ўз-ўзимга “Бунга қандай ҳисса қўшяпман?”, деб савол бераман.

Тўғриси, Холисхон Бобоева ва у бошлиқ саноатчилар салмоқли ҳисса қўшяпти. Ахир ҳар куни 2,2-2,5 минг дона шифер ишлаб чиқаришяпти-да! Шифер бўлганда ҳам қалин, мустаҳкам, барча талабларга жавоб берадиган шиферлар. Шу сабаб корхона ташкил этилганига эндигина икки йил тўлаётганига қарамай, вилоятда уларнинг шиферига харидор ҳам, талабгор ҳам кўпайиб кетди.

– Ҳар бир шиферимиз конвейердан чиқариб улгурмасимиздан эгалик бўляпти, – дейди корхона ҳисобчиси Инобатхон Маматқулова. – Қурилиш ишлари бошланибдики, ҳали ишлаб чиқарган шиферларимизни юзталаб тахлаб сақлаган кунимизни эслай олмайман. Ҳамаси пешма-пеш сотилиб кетяпти.

– Шиферларнинг сифатига гап йўқ! – дейди унга жавобан “Мафтуна” кенг тармоқли хусусий қурилиш фирмаси раҳбари Қаршибой Йўлдошев машинага ҳозиргина орттирган шиферларини санаркан. – Айни пайтда Бахмал туманидаги 47-умумтаълим мактабини қайта қуряпмиз. Устамнинг айтишича, бир дона шифер томдан тушиб кетиб ҳам синмабди. У нуқул шу шифердан олиб келинг, деяпти. Эрта-индин туман марказида битказилаётган педагогика коллежимизнинг томини ҳам шу шифер билан ёпмоқчимиз. Унга ҳам мингдан зиёд шифер керак.

– Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида қурилаётган мактаблар учун 23 мингта шифер етказиб бериш мажбуриятини олган эдик, – деди корхона раҳбари Холисхон Бобоева. – Энди “24 минг” деб ёзиб қўяркан-миз-да? Ҳай, майли, ишчиларимиз омон бўлишсин, қўллари дард кўрмасин! Омонлик бўлса, сизнинг мингта шиферингиз улар учун ярим кунлик иш. Анави 23 мингнинг 18 мингдан зиёдини аллақачон етказиб берганмиз, яна икки кундан сўнг қолганидан ҳам қутиламиз. Ахир келажагимиз эгалари чиройли таълим масканларида билим олишса, завқу шавқлари ортиб, маънавиятлари юксалади, ўқиб-ўрганишга иштиёқлари ошади. Бундан ташқари Сиз оладиган 1000 дона шифер корхонамизга 100 минг сўм соф фойда келтиради. “Тома-тома кўл бўлур” дейишган. Шу томчилар туфайли бултурги ташкилий қийинчиликларимизга қарамай, йил мобайнида 252 минг дона шифер ишлаб чиқариб, 18 миллион сўм соф фойда олганмиз.

“Даромадга қараб, буромод”. Холисхон айтган ана шу 18 миллион сўм туфайли бу йил корхона модернизацияланиб, шифер ишлаб чиқаришнинг Хитой технологияси Россия технологияси билан алмаштирилди.

— Президентимизнинг шу йил 19 июнда имзолаган **“Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори юрагимга яна бир чўғ ташлади. Худо хоҳласа, композицион конструкцияни, бирор технологияни сўраб-суриштиришни дилимга тугдим, – дейди Холисхон жилмайиб.



**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Жиззах вилояти*

## ШАШТИ БАЛАНД БУНЁДКОРЛАР

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Яккабоғ туманидаги “Турон Бунёдкор Қурилиш” инжиниринг компанияси жамоаси олдига янада улуғвор вазифаларни қўйди. У ҳам бўлса жорий йилда етти миллиард 730 миллион сўмлик иш бажаришдан иборатдир.

Бунёдкорлар мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамига муносиб тухфа ҳозирладилар. Яккабоғ туманидаги Нуғайли қишлоғида “Ёшлик” болалар оромгоҳи сифатли таъмирланди. Бунинг учун 190 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ушбу тумандаги Дархон қишлоғида 430 ўринли саноатни қайта ишлаш касб-ҳунар коллежи биноси қурилиб, ишга туширилди. Қамаши пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти модернизация қилинди. Чироқчи пахта тозалаш ОАЖда эса реконструкция ишлари тугалланди.

Шунингдек, компания таъсисчилигида Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 29 январда қабул қилинган “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси ўлароқ, Яккабоғ кўрғончасида ихтисослашган махсус қурилиш корхонаси ташкил этилди. Улар зиммасига қишлоқларимизда замонавий турар-жойлар бунёд этишдек юксак, шу билан бирга масъулиятли вазифа юклатилган. Тумандаги Дархон ва Шероз қишлоқлари оралиғида ажратилган 10 гектар майдонда 500 хонадон учун замонавий турар-жой бинолари бунёд этилади.

— Эътиборли томони шундаки, — дейди тадбиркор Эркин Тўхтаев. — Истиқлолимиз шодиёнаси кунлари ғишт заводи тўла қувват билан ишлай бошлайди. Йилига 12 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имкониятига эга корхона учун Хитойдан 446 минг АҚШ доллари қийматида ускуналар, 8 турдаги техник ва ишлаб чиқариш заводлари келтирилди. Россиядан 205 минг АҚШ долларига 3 та “КАМАЗ” русумли автомашинаси, 35 минг АҚШ долларига эса 34 хилдаги кичик механизмлар харид қилинди. Ўтган саккиз ой ичида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми икки баравар ошди. Соф фойда 2008 йилда 101 миллион сўмга тўғри келган бўлса, ўтган ойлар ичида 250 миллион сўмни ташкил этди.

— Хориж тажрибаси ишимизда қўл келяпти, — дея сўзида давом этди суҳбатдошимиз. — Шу йил март ойида вилоят савдо-саноат палатаси қўлланмаси билан Хитойнинг Шанхай, Урумчи, Турфон шаҳарларида 14 кун бўлдик. Натижада асфальт ётқизиш, зичлагич, заводга етказиш механизмлари ҳамда бульдозер, юк ортиш ва ташиш техникалари келтирилди. Шунингдек, Профнасдил (тунукадан том қопламаси) материали йил охиригача олиб келинади. Бунинг учун маблағ билан боғлиқ барча масалалар ҳал этилган.



**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Қашқадарё вилояти*

## ХАВОТИРГА АСОС ЙЎҚ, АММО...

**Инсон саломатлиги билан боғлиқ масалалар ҳар доим ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ҳозирда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган $AH_1N_1$ гриппининг юртимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан республикамизда комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга ошириб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида туну кун фаолият кўрсатувчи штаб ташкил қилинган бўлиб, унга тизимнинг етакчи олимлари ва малакали мутахассислар жалб қилинган.**

– Вирусология илмий текшириш институти, Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ), Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ДСЭНМ вирусология лабораториялари янги $AH_1N_1$ гриппи қўзғатувчисини барвақт аниқлаш мақсадида диагностикумлар ва тест-системалар билан таъминланди, – дейди ДСЭНМ матбуот хизмати бошлиғи Нуриддин Тошбоев. – Шунингдек, республикамиздаги барча юқумли касалликлар шифохоналарида тегишли дори-дармон ва дезинфекцияловчи моддалар захираси ҳозирлаб қўйилди.

Хўш, $AH_1N_1$ гриппининг инсон ҳаёти учун хавфли жиҳатлари нималардан иборат? Чўчқа гриппи деб ҳам аталаётган мазкур касаллик дунё аҳлини бу қадар саросимага солаётганига сабаб нима? Айтиш жоизки, мазкур ўткир юқумли касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши, тумов, ангина, йўтал, бош ва тана мушакларида оғриқ пайдо бўлиши, умумий ҳолсизлик ва ич кетиши каби аломатлар билан кечади. Вирус одамдан одамга ҳаво-томчи ва маиший мулоқот йўллари орқали юқади. Яширин даври бир неча соатдан 2-3 кунгача давом этиши мумкин. $AH_1N_1$ гриппи оддий гриппдан оғир асоратлар қолдириши ёхуд ўлим ҳолатларининг кузатилиши билан фарқланади. Хавфли томони шундаки, мазкур касаллик оқибатида менингит, менигоэнцефалит, отит, пневмания каби оғир хасталиклар юзага келади.

Баъзи ҳолларда аҳолининг ўзи бу асоратларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Яъни, билиб-билмай, шифокор тавсиясисиз антибиотиклар қабул қилиш ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Реклама қилинаётган ёки кимдир тавсия қилган турли дори воситаларини харид қилиб ўз-ўзини даволаш вазиятни оғирлаштириши мумкин. Ҳар қандай хасталикни шифокор тавсия этган муолажа ёрдамида бартараф этган маъқул.

*Соғлиғимиз ўз қўлимизда*

Ушбу ўткир юқумли касалликнинг мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш мақсадида чегара ҳудудларини кесиб ўтиш жойлари, аэропортлар ҳамда темир йўл вокзалларидаги санитария назорати пунктларига малакали тиббиёт ходимлари бириктирилган бўлиб, мазкур пунктларда республикамизга кириб келаётган фуқароларни ўрнатилган тартибда тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, эпидемик вазият нохуш бўлган мамлакатларга борувчи фуқароларга юқумли касалликлардан муҳофазаланиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Эпидемик жиҳатдан муҳим бўлган объектлар, жумладан, даволаш-профилактика муассасалари, жамоат транспортлари ва одамлар тўпланадиган ёпиқ биноларда дезинфекция тартибига амал қилиниши қаттиқ назоратга олинган.

Мамлакатимиздаги барча дорихоналарда грипп ва респиратор вирусли инфекцияларга қарши ишлатиладиган дори-дармонларнинг доимий равишда савдода бўлиши таъминланган. Шунингдек, янги турдаги гриппни даволашда қўлланадиган “Тамифлю” препаратининг захираси яратилган.

$AH_1N_1$ гриппи профилактикаси борасида оммавий ахборот воситалари билан биргаликда амалга оширилаётган тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Айниқса, маҳаллалар, ўқув муассасалари, жамоат ташкилотларида мутахассислар томонидан учрашувлар ташкил қилиниб, аҳолининг барча қатламлари касалликнинг олдини олиш бўйича йўл-йўриқ ва кўрсатмалардан воқиф қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эслатиб ўтамиз, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази маълумотига кўра, соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ бугунги кунда янги турдаги $AH_1N_1$ гриппи ва бошқа юқумли касалликлар бўйича республикамизда эпидемиологик барқарорлик сақланиб турибди. Бу эса юртдошларимизнинг ортиқча ваҳимага тушишига асос йўқлигини кўрсатади. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Ўз соғлиғимизни ўзимиз асрайлик.

**Феруза ЭГАМОВА**

